

Ғийбатнинг гуноҳлиги ҳақида (4-қисм)



19:43 / 31.03.2018 3765

Насиҳат. Киши билан учрашганда уни хурсанд қилиб, у кетгач эса ғийбат қилмаслик ҳусни хулқдир. Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни **«Сиз буюк хулқдасиз»** деб мақташининг сабабларидан бири ҳам шуки, у зот соллalloҳу алайҳи васаллам ҳар қандай кишини (ҳатто у кофир бўлса ҳам) очиқ юз билан қарши олганлар ва ҳеч кимни ортидан ғийбат қилмаганлар. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам одамларга бирор зарари тегиши эҳтимоли бўлган кишининг айбини айтар, лекин ўзига йўлиқсалар, унга гўзал муомала қилар эдилар.

Ҳикоя. Бир одам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун ижозат сўради. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Унга изн беринглар. У қабиланинг нақадар ёмон ўғли [ёки қабиланинг нақадар ёмон одами]»**, дедилар. У киргач эса унга мулойим гапирдилар. Оиша розияллоҳу анҳо: «Эй Аллоҳнинг Расули, у ҳақда айтган гапингизни айтдингиз, сўнгра эса, унга мулойим гапирдингиз?» дедилар. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурда одамларнинг мартабаси энг ёмони - кишилар фаҳш (ёмон) гапи учун тарк қилган одамдир»**, дедилар.^[1]

Изоҳ. Имом Нававийнинг ёзишларича, ўша одам Уяйна ибн Ҳисн бўлиб, у вақтда ҳали иймон келтирмаган эди. Кейинроқ иймонга келиб, сўнг яна муртад бўлиб кетган (Аллоҳ сақласин). Муҳаддис Абдулҳақ Деҳлавий

«Мадорижун-нубувват» китобида Қози Иёздан шундай нақл қиладилар: «Ўша вақтда Уяйнанинг мусулмон бўлгани собит эмас. Шунинг учун уни ғийбат қилиш дуруст эди. Агар ўша пайтда иймон келтирган бўлса, у ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни унинг ёмонлигидан огоҳлантириш учун гапирган бўладилар. Бу ҳам дурустдир».

Насиҳат. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари шундай эди. Бироқ ҳозир ўзини у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматидан санайдиган кишилар бунинг тескарисини қилмоқдалар. Баъзи кишилар нафрат ва адовати бор киши билан учрашиб қолса, аввало яхши кўришмайди, ортидан эса унинг ғийбатини қилиб, эртаю кеч уни ёмонлаш билан овора бўлишади. Баъзилар эса учрашган одамини эҳтиром билан қарши олади, кулиб гаплашади, лекин учрашув тугагач, шаръий бирор сабабсиз ғийбат қилишни ва унинг айбларини очишни бошлашади ва бу билан ўзини гўё ҳусни хулқ соҳиби деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, улар риё қилишади. Аввалги тоифадан яхшироқ бўлса ҳам, аслида булар ҳам ёмондир. Булар ҳам ўзларининг ярамас ишларидан қайтиб, тавба қилишлари лозим.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[\[1\]](#) «Саҳиҳи Муслим», 6540-ҳадис.